Изучение процессов, происходящих при лазерном облучении, в частности формирование и самоорганизации наноразмерных островков и структур и их физических свойств позволяет разработать физические модели формирования поверхностных наноразмерных структур рельефа и создание новых материалов для современной электроники. В связи с этим является актуальным установление механизмов образования нано, микро и макро-дефектов в полях температуры, деформации, акустических и ударных волн, индуцированных лазерным излучением.

В данной работе исследовалось влияние импульсного лазерного облучения в условиях проявления так называемого эффекта дальнодействия на модификацию поверхности кристаллов CdTe, когда наноструктурирование происходило в необлучаемой зоне.

Исследовались кристаллы CdTe, выращенные методом Бриджмена. Размеры образцов были 5x5x2 мм3 и удельное сопротивление составляло ~ 1x109 Ом·см.

Кристаллы подвергались воздействию излучения рубинового лазера, работающего в режиме модулированной добротности с длительностью импульса 2 · 10-8 с. Плотностью мощности излучения в импульсе составляла I = 20 МВт/см2, что превышает порог плавления поверхности, Imelt = 8 МВт/см2. Излучение лазера фокусировалось в квадратное пятно размером ~1мм. Однородность лазерного излучения осуществлялась с помощью кварцевого диффузора. На рис. 1 (в центре) приведена схема облучения поверхности CdTe одиночным импульсом рубинового лазера. После получения одной области поверхности прикрепленный образец, на сканирующем столике, смещали на 1 мм и облучали следующую зону поверхности образца. Так получали повторяющиеся зоны облученного и необлученного материала по всей поверхности образца.

Морфологию поверхности кристаллов до и после облучения исследовали на атомно-силовом микроскопе (АСМ) NanoScope IIIa фирмы Digital Instruments в режиме периодического контакта (tapping mode — TM). Для измерений в АСМ были применены кремниевые зонды с номинальным радиусом острия 10 нм.

Экспериментальные результаты

На рис. 1 приведены АСМ изображения поверхности CdTe 1 x 1 мкм (a - d). Исходные поверхности кристаллов CdTe являются шероховатыми со средней арифметической шероховатостью Ra = 0,445 nm. При однократном облучении поверхности плотностью мощности в импульсе лазерного излучения I = 20 МВт/см2 образуются наноразмерные куполообразные островки, как в зоне непосредственного воздействия лазерного излучении, так и вне зоны облучения поверхности (рис.1). Распределение островков по поверхности показывает почти идентичность во всех областях исследования.

Обсуждение

Образование упорядоченного ансамбля кластеров в кристаллах p-CdTe непосредственно в облученной зоне поверхности образца описано в [1]. В [2] изложены результаты плазменно-деформационной (ПД) модели образования ансамбля кластеров в CdTe, основанной на представлении о генерации в процессе лазерного облучения полупроводника электронно-дырочной (э-д) плазмы и ее самоорганизации с образованием локальных скоплений плазмы в экстремумах самосогласованного рельефа поверхности. В этом случае механизмом образования э-д пары является совокупное воздействие процессов, происходящих при лазерном облучении, т. е. фотоэффект, возникновение акустической (в том числе поверхностной - ПАВ) и ударной волн в кристаллической решетке, нагрев и т. д.

Проанализируем результаты эксперимента, полученные вне зоны облучения поверхности образца, где произошло наноструктурирование за счет эффекта дальнодействия. Влияние ударной волны, генерированной от импульса лазерного излучения, исключается в силу того, что такая волна должна распространяться вглубь образца. При этом УВ в кристалле при импульсном лазерном облучении формируется в отсутствие сферического или радиального распространения и соответственно затухания (волна должна быть плоская). В нашем случае при импульсном лазерном облучении эффект дальнодействия на поверхности CdTe наблюдается при радиальном распространении поверхностных волн от места их возбуждения, соответственно по данному критерию поверхностная УВ не может образоваться. С кручением фронта должно происходить резкое затухание ПАВ и расплывание без опрокидывания фронта

и соответственно без образования поверхностной УВ [3,4]. Для CdTe при E = 0.4 Дж/см2 (I = 20 Мвт/см2) глубина УВ составляет ~15.6 мкм. Как показывают экспериментальные результаты, глубина изменения свойств материала (3-5мкм [3]) меньше, чем глубина образования ударной волны.




Рис. 1. Схема облучения (в центре) и поверхность CdTe: (a) – необлученная, (b) – непосредственно в зоне облучения, (c) – в необлученной зоне 1, (d) – в необлученной зоне 2. I = 20 МВт/см2.

Появление наноостровков вне зоны лазерного облучения поверхности образца не может быть объяснено также нагревом облучаемой части кристалла, поскольку распространение интенсивного нагрева за время 2·10-8 с происходит в нашем случае в пределах L = 0.35 мкм, т. е. на расстояния, намного меньшие, чем длина исследуемой зоны образца. Кроме того проведенное в [4] исследование фотолюминесценции по поверхности показывает, что эффект лазерной обработки распространяется вдоль поверхности образца на расстояние, превышающее 50 мкм. Авторы работы исключают распространение теплового потока от наносекундного лазерного импульса на столь большое расстояние, а предполагают, что причиной может быть диффузия вакансий

кадмия. Вакансии кадмия, образующиеся в приповерхностном слое, диффундирует как в глубь образца, так и вне зоны лазерного излучения поверхности образца. Как показывают результаты вышеупомянутой работы, вне зоны лазерного облучения поверхности CdTe в спектре ФЛ доминирует полоса 804 нм, что характерно для материала p-типа проводимости [4].

Причиной образования дефектов, приводящей к формированию нанокластеров вне зоны лазерного облучения поверхности кристалла, возможно, является возникновение механических напряжений, которые порождают акустические волны широкого диапазона частот с разнообразными пространственными характеристиками [4]. Акустические волны могут переносить энергию лазерного излучения на расстояния, существенно превышающие размеры области ее поглощения. Если плотность переносимой энергии достаточно велика, то акустические волны могут быть одним из источников так называемых эффектов дальнодействия, возникающих при лазерном облучении, в частности, генерации дефектов вне области лазерного воздействия.

Список литературы

1. А. Байдуллаева, А.И. Власенко, Ю.В. Власенко, Б.К. Даулетмуратов, П.Е. Мозоль // Изменение электрофизических свойств монокристаллов CdTe при прохождении ударной волны от импульса излучения лазера // ФТП. – 1996– Т.**30**, №8. – С. 1438-1445.
2. А. Байдуллаева, А.И. Власенко, Э.И. Кузнецов, А.В. Ломовцев, П.Е. Мозоль, А.Б. Смирнов Возбуждение поверхностных акустических волн в кристаллах p-CdTe при воздействии импульсным лазерным излучением //Физика и техника полупроводников, 2001, том 35, вып. 8 - С. 960-963.
3. В.Н. Бабенцов, Н.И. Тарбаев Фотолюминесценция рекристаллизованного наносекундным лазерным облучением теллурида кадмия // ФТП. – 1998. – Т. 32, № 1. - С. 32-35.
4. В.П. Алехин Физика прочности и пластичности поверхностных слоев материалов. М.: Изд. Наука, 1983. – 280 с.

UMURTQA GRIJASINI DAVOLASH USULLARI .

Salomov Shoxabbos Nozimjon o'g'li[1], Umarova Muhabbat Zakirovna[2]

[1],,Davolash ishi " fakulteti talabasi

[2],,Anatomiya va Klinik anatomiya " kafedrasi assistenti

Churraning paydo boʻlgan muddati juda katta ahamiyat kasb etadi. Uch oygacha boʻlgani yengil, uch oydan olti oygacha boʻlgan churra esa surunkali hisoblanadi. Bundan tashqari, churraning hajmiga ham e’tibor qaratiladi. Agar u 9 millimetrdan kichik boʻlsa, jarrohlik aralashuvisiz davolash mumkin.

Bu xastalik aslo qoʻrqinchli va bedavo emas, umurtqalararo diks churrasi hali «yangi» boʻlsa, osongina davolanadi. Agar jarrohlik aralashuvi tayinlansa ham qoʻrqmaslik kerak. Vaqtida oʻtkazilmagan 15 daqiqalik jarrohlik amaliyoti keyinchalik, kasallikning zoʻrayib borishi natijasida 2 soatlik ogʻir amaliyotga aylanishi mumkin. Chunki churra teshigida qisilib qolgan a’zolarning qon bilan ta’minlanishi buzilib, asab tolalari ezilishi tufayli a’zolar hayotiyligi soʻnib, yiringlay boshlaydi, bemor bunda kuchli ogʻriq his etadi.

Churra xurujida ogʻriq davomiy boʻlib, bemor shok holatiga tushib qoladi. Shoshilinch jarrohlik amaliyotigina bemor hayotini saqlab qoladi.

Disk churralari ogʻriqli boʻlishiga qaramay, toʻgʻri davo undan butunlay qutulishga imkon beradi. Churradan 4 hafta ichida qutulsa boʻladi. Belgilar churra paydo boʻlishiga sabab boʻluvchi jismoniy mehnatni toʻxtatganda, ogʻriqqa qarshi toʻgʻri davo qoʻllanganda yoʻqoladi. Davo tadbirlari dori preparatlari, mashqlar va operativ yoʻl bilan olib boriladi.

Dori preparatlari bilan davolash

Dori preparatlari: retseptsiz beriladigan nosteroid yalligʻlanishga qarshi dorilar; Epidural infeksiya: epidural boʻshliqqa steroid, ogʻriqqa qarshi, yalligʻlanishga qarshi preparatlar ogʻriq hissini kamaytiradi, buni faqatgina shifokor mutaxassis bajarishi shart.

Muskullar relaksatsiyasi: muskullarni boʻshashtiruvchi dori preparatlarini qabul qilish spazmlarni yoʻqotadi va ogʻriqni kamaytiradi;

Disk churrasini mashqlar bilan davolash

Jismoniy maxsus mashqlar grija tufayli kelib chiqgan ogʻriqni kamaytirishga yordam berishning eng qulay va samarali usulidir.

Ultratoʻlqinli terapiya (UVCH) ultra chastotali toʻlqinlar qon aylanishini yaxshilaydi va yalligʻlanish jarayonini toʻxtatadi;

Belga tushadigan ogʻirlikni kamaytirish maqsadida maxsus belbogʻlar taqib yurishingiz ham mumkin; Suzish bilan shugʻullanish disk churralaridan dorilarsiz va operatsiyasiz qutulish mumkin boʻlgan samarali yoʻllardan birdir;

Operatsiya yoʻli bilan davolash

Agar simptomlar davo choralari koʻrilganda ham yoʻqolmasa, sezgining susayishi davom etaversa, jinsiy zaiflik kuchaysa, ichaklarda hazm susayishi davom etsa, son orqasida ogʻriqlar kuchaysa, operativ usul qoʻllaniladi. Oprativ usul jarohatlangan diskning qismini almashtirishga asoslangan. Operatsiya laproskopik usulda olib boriladi, qorin oldi devoridan kichik teshik ochilib laproskop kiritilib, orqa boʻshliqqa kiriladi, orqa umurtqa nervlarini surib turib disk olib tashlanib oʻrniga sun’iy elastik disk joylashtiriladi. U amortizatorlik vazifasini bajaradi. Disk metal, biopolymer yoki boshqa moddadan tuzilgan. (Zamonaviy usul. BJSST boʻyicha)

Foydali maslahatlar

Zax va yelvizakli joylarda turmaslikka harakat qiling;

Tana vazningizni nazorat qiling, semirmang;

Bel va qorin mushaklarini mustahkamlaydigan gimnastika (masalan, suzish) bilan shugʻullaning

Oʻtirgan holda ishlasangiz, har soatda 10 daqiqa turib yuring; Yurganda, oʻtirganda ham qaddingizni toʻgʻri tuting;

Qattiq matras ustida uxlashga odatlaning;

Yotgan holda kitob oʻqimaslik va televizor koʻrmaslikka harakat qiling;

Ogʻir koʻtarmang, keskin harakatlardan tiyiling.

Vibromassaj mumkin emas, chunki uning kuchi juda yuqori.

Churra bor joyni qattiq ishqalamaslik lozim. Asab tolalarini siqib qoʻyish xavfi bor. Vertikal holatda turib, turli mashqlar bajarish ham zararli. Mushaklarni zoʻriqtirish mumkin.

Oʻz bilganingizcha massaj qilmang!

Har doim ogʻriq qoldiruvchi maz surtib ishqalash ham mumkin emas! Kasallik uch bosqichda kechadi, maslahatimiz kasallik belgilari kuzatilishi bilan shifokorga murojaat eting :

Xastalikning birinchi bosqichida churra oʻlchami 2-3 mm. boʻladi. Umurtqa boʻylab qattiq ogʻriq beradi.

Ikkinchi bosqichida bu xastalik doimiy ogʻriq bilan xarakterlanadi. Oʻlchami 8-15 mm boʻladi.

Uchinchi bosqichda ogʻriq oʻta kuchli boʻlib, asab tizimiga ham ta’sir etadi. Bemorni yura olmaslik darajasiga keltiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar :

1. Abdurasul Parpiev . Osteoxondroz va uning nevrologik asoratlari . 2015 yil.
2. Ziyonet.uz

ЭРТАГИ КАРТОШКА ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ СХЕМАСИНИ ТАЪСИРИ

О.Қодирхўжаев[1], Д.М.Якубова[2], Ш.Хотамов[3]

[1]ТошДАУ, доцент., [2]Ассистент., [3]Магистрант

Аннотация. Мақолада картошкани озиқ-овқат сифатида катта аҳамиятга эга эканлиги баён этилган. Картошкани Санте навини эрта баҳорда турли схемаларда экиш уни ўсиши, ривожланиши ҳамда турли хилдаги айниш касалликлари билан турлича зарарланиши ёритилган. Шунингдек, экиш схемаси уни ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсир этиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: уруғлик, ундириш, ўсимлик, экиш схемаси, озиқланиш майдони, касалликлар, ҳосил.

Аннотация. В статье излагается народнохозяйственное значение картофеля как продукт питания и её питательная ценность. Описываются влияние схемы посадки на рост, развитие и поражение картофеля сорта Санте различными видами болезни вырождения. А также влияние схемы посадки на урожайность и на её качества.

Ключевые слова: семенной клубень, проращивание, растение, схемы посадки, площадь питания, болезни, урожай.

Картошка инсон учун муҳим озиқ-овқатлардан бўлиб, чорвани ҳам озиқлантирилади. Картошка ишлаб чиқариш саноатининг қатор тармоқлари учун муҳим хом ашё ҳисобланади. 100 г картошка 301,5 кДЖ ёки ккал қувват бериш манбаасидир. (Вальтер И.М., Мамедов Я.И. 1978 й)

Картошка кўпчилик мамлакатларда майдон бирлигидан энг кўп қуруқ модда, қувват (энергия) ва оқсил олишни таъминлайдиган ўсимлик ҳисобланади. Нидерландияда гектардан энг кўп қувват бирлиги ишлаб чиқариш қанд лавлагига тўғри келса, картошкадан эса унга нисбатан бироз камроқдир. Аммо, улар буғдой ва сабзавот нўхотга нисбатан арзонроқдир.

Картошка гектар бирлигидан оқсил бериши жиҳатидан дон дуккаклилардан сўнг иккинчи ўринда туради. Картошка гектардан 13,6 т ҳосил берса, ундан олинадиган оқсил 273 кг ни ташкил этади.

Картошка етиштиришни кўпайтириш аҳолини озиқ-овқат ва оқсил билан таъминлашда салмоқли ҳисса қўшиши мумкин, (Зуев В.И., Азимов Б.Д., Кадырходжаев А.К. 2000 й)

Демак, республикамиз иқлим шароитида картошкадан олинадиган ялпи ҳосилни у экиладиган майдонини кенгайтирмасдан кўпайтириш заҳираларидан бири, уни экиш схемасини (озиқланиш майдонини) тўғри танлаш ҳисобига ҳам маълум даражада ошириш мумкин.

Услуби. Бу масалани ўрганиш мақсадида 2020 йил феврал-июнь ойларида картошкани Санте (Голландия) навини 6 хил схемада (70x15, 70x20, 70x25, 70x30 (наз), 70x35 ва 70x40 см) экиб синалди.

Тажриба узунлиги 10 м бўлган 4 қатор эгатларга 4 такрорланишда жойлаштирилди. Ҳар бир такрорланиш эгаллаган майдонча 28 м2, тажрибанинг умумий майдони 672 м2 ни ташкил этди. Уруғлик тугунакларнинг ўртача вазни 65-70 г.

Уруғликлар экиш олдидан 25 кун мобайнида ёруғ хонада 13-150С ҳароратда ундирилиб 6-8 см чуқурликка экилди.

Тажриба майдончасида тасдиқланган режага мувофиқ фенологик, биометрик ва бошқа кузатувлар ўтказилди.

Тажриба натижалари. Кузатувлардан маълум бўлишича, экиш схемаси биринчи (10 %) ва тўлиқ (75%) ниҳоллар ҳосил бўлишига кескин таъсир этмади. Ниҳолларни тўлиқ ҳосил бўлиши барча схемаларда 28-29 кундан сўнг ҳосил бўлиши аниқланди. Аммо, ҳосил йиғиш олдидан хато миқдори ҳисобга олинганида, биринчи экиш схемасида (70х15 см) жами хато миқдори 12,3% ни ташкил этиши ёки назоратга (70х30 см) нисбатан 6,3% юқори бўлиши маълум бўлди.

Синалган экиш схемалари ичида, тажрибанинг сўнгги икки (70х35, 70х40 см) вариантининг бу кўрсатгичи назоратга нисбатан 1,6-1,2% кам бўлиши аниқланди.

Демак, қатордаги ўсимликлар оралиғидаги масофа қанчалик қисқа бўлса, ниҳолларнинг яшовчанлигига салбий таъсир этар экан.

Эртаги картошкани озиқланиш майдони кичикдан (0,105 м2) катта томон (0,28 м2) ошириб борилса, ҳар тупда шаклланадиган поя сони, узунлиги ва барг сатҳига турлича таъсир этиши аниқланди. 70х15 см схемада экилган тугунаклардан ҳосил бўлган ўсимликларнинг ҳар тупида ҳосил қилган барг сатҳи 0,32 дм2 ни ташкил этган бўлса, 70х25 см схемада ўсган ниҳолларнинг бу кўрсатгичи 0,44 дм2 ни ташкил этди. Асосий поясининг узунлиги биринчи вариантда 40,8 см, учинчи вариантда эса, 69,1 см ни ташкил этиши аниқланди.

Экиш схемаси, нафақат, ниҳолларни ҳосил бўлиш жадаллиги ва ер устки қисмини шаклланишига, балки айниш касалликлари билан зарарланишига, ҳам турлича таъсир этди, 1-жадвал.

жадвал-1

Экиш схемасини эртаги картошкани айниш касалликлари билан зарарланишига таъсири, (2020)

Экиш схемаси, см	Озиқланиш майдони, $м^2$	Айниш касалликлари, %					Айниш касалликларини назоратга нисбатан, %
		мозаика		Баргларини найчасимон буралиши	готика	жами	
		Бурушган	Йўл-йўл				
70х15	0,105	18,9	12,7	22,4	0,4	54,4	226,7
70х20	0,14	18,1	10,9	21,4	0,4	50,8	211,7
70х25	0,175	10,8	7,9	10,1	-	28,8	120,0
70х30 (наз)	0,21	8,7	6,1	9,2	-	24,0	100,0
70х35	0,245	7,7	5,4	8,2	-	21,3	88,8
70х40	0,28	6,6	5,1	8,0	-	19,7	82,1

1-жадвалда келтирилган рақамлардан маьлум бўлишича, картошка бизни шароитимизда асосан айниш касалликларининг мозайка ва баргларини буралиши(найчаланиши) турлари билан зарарланиши маьлум бўлди. Бу касалликлар билан зарарланиш даражасини кўп ёки кам бўлиши қатордаги ўсимликлар орасидаги масофага-озиқланиш майдонига боғлиқ бўлиши аниқланди. Яьни, қатордаги

ўсимликлар оралиғидаги масофа 15см дан 40см гача ортиб бориши уларни айниш касалликлари билан зарарланиши 54,4% дан 19,7% гача камайишига сабаб бўлди.

Тажрибанинг биринчи экиш схемасида ўсиб ривожланган ўсимликларнинг 54,4 % и шу касалликлар билан зарарланди, буларнинг зарарланиш даражаси назорат экиш схемаси ўсимликларининг зарарланишидан 126,7 %га юқори бўлиши амалда аниқланди. 0,14 м^2 озиқланиш майдонида ўсган ниҳолларнинг зарарланиши эса назоратнинг бу кўрсатгичидан 111,7% га кўп бўлди.

Ўрганилган экиш схемалари ичида айниш касалликлари билан тажрибанинг сўнги икки вариант ўсимликларининг зарарланиши назорат вариант ўсимликларининг зарарланиш даражасидан 11,2...17,9% га камайиши амалда аниқланди.

Шуни таъкидлаш керакки, картошкани озиқланиш майдони кичик ёки катта бўлишидан қатьий назар у бизни шароитимизда асосан айниш касаллигининг бурушган, йўл-йўл мозаика ва баргларининг найчаланиши билан зарарланар экан.

Синалган экиш схемаларининг барчасида ўсимликларни 22,4...8,0%и баргларнин найчаланиш тури билан зарарланганлиги маьлум бўлди.

Тажрибанинг биринчи ва иккинчи вариантида ўсиб ривожланган ўсимликларнинг назорат ва бошқа экиш схемаларида ўсган ниҳолларга нисбатан айниш касалликлари билан зарарланишни юқори бўлишига 0,105 ва 0,14м^2 юзадаги озиқ моддалар ва намликни етишмаслиги ва ёруғликдан тўлиқ фойдаланмаслиги таьсиридан деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, эрта муддатда етиштириладиган картошканинг айниш касалликлари билан зарарланишини сезиларли даражада камайтириш учун уни 0,175 ва 0,245...0,28 м^2 озиқланиш майдонига экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эртаги картошкани турли схемаларга экиб етиштириш, уларни ер устки қисмини шаклланиши ва айниш касалликлари билан турлича зарарланишига таьсир этиб қолмасдан уни ҳосилдорлиги ва уни сифатига ҳам ўз таьсирини ўтказиши тажрибада аниқланди, 2-жадвал.

2-жадвал

Экиш схемасини эртаги картошка ҳосилдорлиги ва уни сифатига таъсири, (2020)

Экиш схемаси, см	Озиқланишм дони, м^2	Ҳосил			Товарбоп ҳосил назоратга нисбатан, %	Товарбоп туганакла р ўртача вазни, г	Соф ҳосил, га/т	Уруғ сарфи, га/т	Нотов ар ҳосил, га-т
		1 тупдан, г	умумий	товар боп, га/т					
70х15	0,105	351,7	28,0	23,2	87,5	75,2	22,1	5,90	4,8
70х20	0,14	441,7	29,1	26,2	98,8	81,4	24,46	4,64	2,9
70х25	0,175	598,8	32,1	30,8	116,2	120,8	28,39	3,71	1,3
70х30	0,21	621,7	27,8	26,5	100	122,9	24,71	3,09	1,3
70х35	0,245	631,7	24,6	23,5	88,7	151,7	21,95	2,65	1,1
70х40	0,28	642,1	21,8	21,1	79,6	162,2	19,48	2,32	0,7

Кузатувлардан маьлум бўлишича, (2-жадвал) картошкадан олинадиган ҳосил, нафақат гектардаги ўсимдиклар сонига, балки ҳар бир тупда шаклланадиган ҳосил ва товарбоп туганаклар вазнига ҳам боғлиқ бўлди.

Ўрганилган экиш схемалари-озиқланиш майдони ичида ҳар тупда энг кам ҳосил (351,7 г) ва вазни енгил (75,2 г) товарбоп туганакларни 70х15см схемада-0,105м^2 озиқланиш майдонида ривожланган ўсимликлар шакллантирди. Бу ўз навбатида товарбоп ҳосилни камайишига (23,2га/т) сабаб бўлиши аниқланди. Бу вариантнинг товарбоп ҳосили назорат экиш схемасининг бу кўрсатгичидан 12,5% га камайишига олиб келди.

Синалган экиш схемалари ичида назоратга нисбатан ҳар тупдан энг юқори ҳосилни тажрибанинг сўнги икки (70х35-40 см) вариант ўсимликлари шакллантирди (631,7; 642,1 г).

Тажрибанинг учинчи вариант (70х25 см) ўсимликлари назоратга ва қолган вариантлар умумий ва товарбоп ҳосилига нисбатан юқори ҳосил берди. Бу вариант товарбоп ҳосили назоратга нисбатан 16,2 % га, соф ҳосили эса 3,4 т/га юқори бўлиши аниқланди.

0,275 ва 0,28 м^2 озиқланиш майдонига экилган туганаклар ўсимликларини шакллантирган товарбоп ҳосили, назорат вариант товарбоп ҳосилидан 11,3...20,4% га кам бўлди.

Қатордаги ўсимликлар орасидаги масофани 15 см дан 40 см гача ортиб бориши сарфланадиган уруғ миқдорига ҳам таъсир этиб, у 5,90 га тоннадан 2,32га/т гача камайди. Бу ўз навбатида гектардан олинган умумий ҳосилни, экиш схемалари бўйича 5,90 т/га дан 2,32 т/га гача камайишига сабаб бўлди.

Хулоса. Картошкани Санте типидаги навларини эрта баҳорда 70х25см схемада экиш ниҳолларни серпоя, сербарг ва айниш касалликлари билан, нисбатан, кам зарарланиб, юқори ва сифатли ҳосил олишни таьминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вальтер И.М., Мамедов Я.И. Картофель – растение, продукт и сырье. В кн. “Картофель: история, применение, употребление”. Москва. Пищевая промышленность 1978, с.3-61б.
2. Зуев В.И., Азимов Б.Д., Кадырходжаев А.К. Картофель – продукт питательный и целебный. Ж. Сельское хозяйство Узбекистана. 2000. №4, с.30-32.
3. Картофель. Под общей редакцией Д. Шпаара. Минск ФУА информ. 1999, 7-19 бетлар.
4. Литун Б.П., Замотаев А.И., Андрюшин Н.А. Значение картофеля. В кн. “Картофелеводство зарубежных стран”. Москва. Агропромиздат 1988, с.4-10.

ELEMENTAR ZARRALAR VA ULARNING XUSUSIYATLARI

Axmedova Diyora Xatamqulovna
Toshkent Davlat Transport Universiteti 1-kurs talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada XX asrning 30-yillarida barcha atomlar neytron, proton va elektronlardan tuzilganligi aniqlanganligi ,1940-yillarga kelib oʻnlab turli sub’yadro zarralar ochilgani, ularning xossalari, oʻzaro ta’sirlari qandayligi, qaysi biri fundamental, qaysi biri esa elementar zarralar ekanligini aniqlash kerak ekanligi, shu yoʻsinda fizika fanining “elementar zarralar fizikasi” boʻlimi paydo boʻlgani va uning hayotimizda qanday ahamiyatga ega ekanligi haqida aytilgan.

Kalit so’zlar: elementar zarralar, neytron, proton, elektron, myuon, pion ,taon, graviton, foton, rezonans zarralar, zarra, antizarra ,mezon, kaon, giperon, koinot, vodorod, azot, neytrino, barqaror atom, gipoteza, pastulot, “g’alati zarralar” , elektromagnit maydon.

ELEMENTARY PARTICLES AND THEIR PROPERTIES

Akhmedova Diyora Khatamkulovna
1st year student of Tashkent State Transport University

Abstract: This article explains that in the 1930s all atoms were made up of neutrons, protons, and electrons, and by the 1940s dozens of different sub-nuclear particles had been discovered. This is how the branch of physics called "elementary particle physics" came into being and how important it is in our lives.

Keywords: elementary particles, neutron, proton, electron, muon, pion, taon, graviton, photon, resonance particles, particle, antiparticle, meson, kaon, hyperon, universe, hydrogen, nitrogen, neutrino, stable atom, hypothesis, pastulot, “strange particles”, electromagnetic field.

Elementar zarralar. O'z ma'nosiga ko'ra «elementar» so'zi «eng sodda» ma'nosini anglatadi. Garchi bugungi kungacha ma'lum zarralarni elementar deb atash uncha to'g'ri bo’lmasa-da, dastlabki paytlarda kiritilgan bu iboradan hamon foydalaniladi. Umuman olganda, zarralar endigina kashf qilina boshlanganda materiyaning eng kichik bo'lakchasi sifatida qabul qilingan va chindan ham elementar deb hisoblangan. Lekin ularning ba'zilarining (jumladan, nuklonlarning) murakkab tuzilishga ega ekanligi keyinroq ma'lum bo’lib qolgan. Hozirgi paytda 200 dan ortiq elementar zarralar mavjud. Ularning ko'pchiligi nostabil.bo’lib, asta-sekin yengil zarralarga aylanadi.

Elementar zarralar deb fizika fanining hozirgi taraqqiyot bosqichida eng sodda, ma’lum ichki strukturaga ega bo’lmagan faqat bitta zarradan tashkil topgan zarralarga aytiladi.

1932-yilgacha elementar zarralarning soni 3 ta – elektron, proton va neytronlar edi. 1956-yilga kelib ularning soni 30 taga yetadi. Hozirgi vaqtda barqaror bo’lgan va o’rtacha yashash vaqti 10-7 s dan kam bo’lmagan (qiyosan barqaror bo’lgan) 39 ta elememtar zarra mavjuddir. Bundan tashqari 300 dan ortiq qisqa muddat yashovchi zarralar kashf qilindi. Quyida ulardan eng asosiylari haqida keltirilgan:

Elektron. Elektron - birinchi kashf qilingan elementar zarra elektron. Katod nurlarining xossalarini o’rganayotgan Tomson, bu manfiy zaryadlangan zarra elektronlar oqimidan iborat ekanligini aniqladi. Demak elektron elektron zarra bo’lib, atom tarkibiga kiradi. Uning

mavjudligi haqida ilk bor 1881-yilda Stoney (J.J.Stoni) oldindan pastulat tarzida aytgan edi. 1897-yil 29-aprelda J.J.Tomson elektronning e/m solishtirma zaryadini o'lchab, ektronning mavjudligini eksperimental kashf etganligi uchun ushbu kun birinchi elementar zarra kashf qilingan kun sanaladi. Elektron barqaror zarra hisoblanib, uning yashash vaqti kamida 1022 yilga tengligi aniqlangan (qiyoslash uchun bizning koinot 2×1010 yil yashaydi).

Foton. 1900- yilda M.Plank yorug'likning foton deb ataluvchi zarralar oqimidan iborat ekanligini ko'rsatdi. Foton eleklr zaryadiga ega emas, tinchlikdagi massasi nolga teng, ya'ni foton yorug'lik tezligiga teng tezlik bilan harakat holatidagina mavjud bo'lishi mumkin.

Proton. Proton- atom yadrosi tarkibiga kiruvchi birinchi element zarra bo'lib, 1919- yikda kashf etilgan, ya'ni ma'lum bo'lsa-da, protonni qaysidir hodisa orqali kashf etilgan deyish qiyin. Chunki, proton vodorod ioni sifatida uzoq vaqtdan beri ma'lum bo'lgan. Proton kashf qilinishida 1911-yilda Ernest Rezorford yaratgan atomning planetar modeli ham, 1906-1919- yillarda J.Tomson, F.Saddi, F.Aston tomonidan izotoplarning ochilishi ham, azot(N) yadrosidan alfa-zarralar urib chiqargan vodorod (H) yadrolarini kuzatish ham roll o'yanydi. Proton ham barqaror zarra. Yashash vaqti 1032 yildan kam emas.

Pozitron. 1928-yilda P.Dirak mavjudligini bashorat qilgan va K.Anderson tomonidan kosmik nurlar tarkibida kashf qilingan. Uning tinchlikdagi massasi elektronning tinchlikdagi massasi bilan teng bo'lsa-da, zaryadi protonning zaryadiga teng. Pozitron elektronga qarama-qarshi, ya'ni antizarra.

Neytron. Nweytron n-atom yadrosining tarkibiga kiruvchi ikkinchi elementar zarra bo'lib, 1932-yilda D.J.Chedvik tomonidan kashf qilingan. Uning massasi protonning massasiga yaqin bo'ladi. Elektr zaryadi esa nolga teng. Neytron faqat barqaror atom tarkibidagina tourg'un bo'la oladi. Erkin atom yadrosidan tashqarida barqaror bo'la olmaydi. Uning o'rtacha yashash muddati 15 daqiqaga yaqin.

Neytrino v. Neytrinoning mavjudligi haqidagi gipotezani 1930-yilda V.Pauli energiayaning saqlanish qonuni qutqarish maqsadida tavsiya qilgan edi. E.Fermining1934-yilda yaratgan B(betta)- yemirilish nazariyasi (neytrino ishtirokida) eksperimentlarda tasdiqlandi. Biroq fiziklar neytrinoni "tutish" guncha 20 yildan ortiq vaqt o'tdi va nihoyat 1953-yilda F.Reynis va K.Kouen tomonidan atom reaktorida o'tkazilgan tajribalarda qayd etildi. Hozirgi vaqtda uning elektron neytrino , myuon neytrino , teon neytrino deb ataluvchi 3 ta turi mavjud. Neytrino ham barqaror zarradir.

Myuonlar (yoki myu-mezon).1938-yilda K.Anderson va S.Niddermeyer kosmik nurlar tarkibida massasi taxminan 207mf ga teng bo'lgan, yashash davri 2,2× 10 6 s ni tashkil qilgan zarralarni kashf qildilar. Bu zarralar myu(minus) va myu(pilus) myuonlar deb nomlanadi.. 1947-yilda S.Pauell tinchlikdagi massasi 273me ga teng bo'lgan zarralarni kashf qildi. Bu zarralar n- mezonlar yoki pionlar deb nomlanadi. 1950- yilda kashf qilingan n°- mezon (eta-nol-mezon) ham myuonlar guruhiga kiradi.

Pion p (yoki pi-mezon). 1935-yilda X.Yuakava nazariy yo'l bilan p+ , p- , p0- pionlarni kiritgan. P+- pionlarning haqiqatdan ham mavjudligini 1947-yilda S.Pauell va J.Okkialini, neytral p0 -pionni esa 1950-yilda R.Berklund kashf etishgan.

XX asrning o'rtalariga kelib, yana yangi 15 ta elementar zarralar kashf etildi. Bu elementar zarralarni kaonlar (yoki ka-mezonlar) va giperonlar deb yuritiladi. Kaonlar va gipetonlarning boshqa elementar zarralardan farqlanuvchi jihati bo'lganligi uchun ularni "g'alati zarralar" deb ham ataladi.

t-taon (yoki tau-mezon). Bu zarra 1975-yilda kashf qilingan. Uning yashash davri faqat 1981-yildagina ancha aniq topilgan bo'lob, u 3,4×10-13 ni tashkil qiladi.

Rezonanslar. XX asr 50-60 yillariga kelib o'rtacha yashash davri juda qisqa (10-23-10-22 s) bo'lgan zarralar kashf qilindi. Bu zarralarni rezonans zarra, rezonanslar yoki rezononlar deb atash mummin. Birinchi rezonansni 1952-yilda E.Fermi kashf qilgan. 1980-yilga kelib esa qayd qilingan rezonanslar soni 300 tadan ortib ketgani ma'lum bo'ldi. Umuman olganda, dastlabki paytlarda bor-yo'g'i bir nechtagina va materiyaning eng jajji g'ishtchalari deb hisoblangan elementar zarralar keyinchalik, shu qadar xilma-xil va shu qadar murakkab bo'lib chiqdke

Foton y. Fotonni 1900-yilda M.Plank nazariy kashf qildi. 1905-yilda A.Eynshteyn elektromagnit to'lqin foton oqimidan iborat, deb hisoblangan. 1922-yilda A.Kompton erkin elektronlarda rentgen nurlarining sochilishini o'rganish bo'yicha o'tkazilgan tajribalardan so'ng fizika faniga foton-yangi elementar zarra uzil-kesil kirib keldi. Foton-elektromagnit maydon kvanti bo'lib, u barcha elememtar zarralar ichida eng keng tarqalgan zarra. Foton ko'rinuvchi yorug'lik oqimida ham, rentgen nurlanishida ham lazer impulslarida ham mavjud. 1964-yilda amerikalik radioastronomlar A.Penzias va R.Vilsonlar olam fazosi millimetrli radioto'lqin bilan to'lganligini aniqladilar. Hozirgi zamon tasavvurlariga ko'ra bu nurlanish koinot rivojlanishining ilk bosqichlarida modda temperaturasi va bosimi juda yuqori bo'lganda vujudga kelgan. Aniqlanishicha, koinotda fotonlar protonlarga nisbatan milliard marta ko'proq uchrar ekan.

Antizarralar. Birinchi antizarra - elektronning antizarrasi (qarama-qarshi zarrasi) - pozitron kashf qilingandan so'ng, boshqa zarralarning ham antizarrasi yo'qmikan, degan savol tug'ildi. Antiproton 1955-yilda mis nishonni protonlar bilan bombardimon qilish natijasida hosil qilindi. 1956-yilda esa antineytron kashf qilindi. Hozirgi paytda har bir zarraning o'z antizarrasi,ya'nini massasi teng, zaryadi esa qarama-qarshi bo'lgan zarra mavjudligi aniqlangan.

Elektron va protonlarning antizarralari zaryadining ishorasi bilan farq qilsa, neytron va antineytron xususiy magnit momentlarining ishorasi bilan farq qiladi. Zaryadsiz zarralar foton, p°-mezonlarning o'zlari va antizarralarining fizik xossalari bir xil.

Graviton G zarra. Gravitatsion o'zaro ta'sirning tashuvchisidir. Gravitonning mavjudligi A.Eynshteynning tortishish nazariyasidan, kvant mexanika prinsiplaridan va niabiylik nazariyasidan kelib chiqadi. Ammo uni tajriba yo'li bilan hali qayd qilinmagan. Gravitonni topish juda qiyin. Chinki u modda bilan juda kuchsiz ta'sirlashadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, elementar zarralardan faqat 3 tasi- elektron, neytron va protonlar asosit zarralardir. Atomlar va umuman bizni o'rab olgan butun moddiy olam shu zarralardan tashkilzarralar

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Fizika; M.H.O'lmasova , Toshkent-2010;
2. Umumiy fizika kursi; J.A.Toshxonova, X.M.Maxmudova, B.Nurullayev; Toshkent-2004;
3. Umumiy fizika kursi; S.E.Frish, A.V.Timoreva; Toahkent-1972;

СИНТЕЗ КРИСТАЛЛОХИМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ СОЕДИНЕНИЙ LASF.

Комилов Акмалжон Ахмаджон угли[1], Самадов Азамат Рахимжон угли[2]

[1]«Тюменский государственный университет», Институт химии, Кафедра неорганической и физической химии, Магистерская программа «Физико-химический анализ природных и технических систем в макро- и наносостояниях» магистр 2 курс.,

[2] Санкт – Петербургский государственный университет, Институт химии, кафедра Химической термодинамики и кинетики, аспирант 1 курс.

komilov081494@gmail.com; st088712@student.spbu.ru

Безводные трифториды редкоземельных элементов были получены в конце прошлого века и использовались в последние годы, для получения редкоземельных металлов, только в последние несколько лет интерес к получению и свойствам очень высокой чистоты был достигнут фториды были обновлены. В дополнение к необходимости более высокой чистоты фторидов чтобы повысить чистоту редкоземельных металлов, несколько промышленных приложений для фторидов высокой чистоты вызвали этот интерес. Редкоземельные фторсульфиды LnSF являются хорошими кандидатами в качестве новых неорганических цветных пигментов [2]. Они обладают хорошими хроматическими свойствами и высокой стабильностью в кислой среде [1]. Для получения соединения LaSF готовили шихту в мольном соотношении 1 : 1 , где в качестве исходных соединений использовали порошки соединения γ-Ln_2S_3, и соединения LaF_3. Полученную шихту тщательно перетирали в ступке загружали в ампулу с графитовым тиглем внутри, воздух в ампуле удаляли вакуумным насосом, горловину приваривали и сплавляли на установке токов высокой частоты[3]. В режиме обрабатывали перевод в расплав кристаллизации, перевод в расплав кристаллизации, но при этом не перегревали более чем на 50°С выше температуры полного расплавления образца, так повторяли три раза в течение 25- 30 минут в предварительно кварцевом реакторе.




Рис: Дифрактограмма фазы LaSF Условия съёмки: дифрактометр ДРОН-6, Cu Kα-излучение, шаг 0.02, экспозиция 3с. 2Θ = 20-60.

Список литературы.

1. D. Pauwels, A. Demourgues, H. Laronze, P. Gravereau, F. Guillen, O.Isnard, A. Tressaud // Structural features of new rare earth-based mixed anions (O, S, F)compounds: relationships between optical absorption and rare earth environment // Solid State Sciences 4 (2002) 1471–1479.

2. Абдрахманов, Э.С. //Синтез, фазовые равновесия, структуры и свойства фаз в системах LnF_3 - Ln_2S_3 (Ln = La - Lu), CaF_2 - LnF_3 - Ln_2S_3 - CaS (Ln = Gd, Yb): автореф. дис. ... канд. хим. наук // Э.С. Абдрахманов. - Тюмень, 2004. - 5 с.

3. Самадов А.Р., Андреев О.В., Азизов В.З.// The result of study of eutectics in the system Sm_2O_2S – Sm_3S_4.// International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR). ISSN: 2643 – 9670. Vol.5 Issue 5,May – 2021,Pages:223 – 226.